

Лайло Изатовна ТОЙИРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси ўқитувчиси
toyirova@mail.ru

Шахло Изатовна ТОЙИРОВА,
Бухоро Давлат Университети
Психология кафедраси ўқитувчиси
toyirova@mail.ru

ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ДУХОВНОЕ РАЗВИТИЕ СТУДЕНТОВ

THE INFLUENCE OF SOCIO- PSYCHOLOGICAL FACTORS ON THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF STUDENTS

Аннотация: Мақолада талабаларнинг маънавий камолотини юксалтиришида шахслилик ва гуруҳий омилларнинг таъсири; ўқув жараёнида самарали олиб боришида талабанинг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқлиги; маънавий қадриятларнинг ривожланиши шахслилик ўсишига, манавий қизиқишларнинг ортишига ижтимоий-психологик муҳитнинг аҳамияти; талабалар маънавияти, унинг назарий методологик ва методик жабҳалари психолог олимлар томонидан ўрганилганлик даражаси ҳамда олиб борилган тадқиқотлар асосида натижалар ечими очиб берилган.

Таянч сўзлар: талаба, шахслилик, камолот, маънавият, таълим жараёни, таълим-тарбия, мотивация, фойда, индивидуал-психологик хусусият, муносабат, гуруҳий, таҳлил

Аннотация: В статье исследуется влияние личностных и групповых факторов на повышение духовной зрелости учащихся; зависимость от индивидуально-психологических особенностей обучающегося в эффективном ведении учебного процесса; важность социально-психологической среды для развития духовных ценностей; роста личности, роста духовных интересов;

духовность студента, степень изученности психологами ее теоретических, методологических и методологических аспектов и решение результатов на основе проведенного исследования.

Ключевые слова: студент, личность, зрелость, духовность, образовательный процесс, образование, мотивация, фоллиевая кислота, индивидуально-психологическая особенность, установка, группа, анализ

Abstract: The article examines the influence of personal and group factors on increasing the spiritual maturity of students; dependence on the individual psychological characteristics of the student in the effective conduct of the educational process; the importance of the socio-psychological environment for the development of spiritual values, personal growth, the growth of spiritual interests; the spirituality of the student, the degree of study by psychologists of its theoretical, methodological and methodological aspects and the decision of the results based on the research.

Key words: student, personality, maturity, spirituality, educational process, education, motivation, folic acid, individual psychological trait, attitude, group, analysis.

Хозирги даврда ёшларга катта эътибор қаратилаётган айни дамда уларни вояга етказишда маънавий етук комил инсон қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

А. Клизовский таъкидлаганидек, “Айнан инсониятни тарбиялашда ҳаёт ривожланишининг муҳим омили бўлмиш маънавиятни тарбиялаш олинган. Инсон ўз маънавий қадриятларини йўқотиши ва маънавиятининг ривожланиши туфайли инқирозни бошидан кечиради. Иқтисодий қашшоқлашув маънавий қашшоқлашувнинг натижасидир. Бу ҳолатда ягона нажот инсон фақатгина нон билан эмас, балки борлиғимизнинг асосини ташкил этувчи олий маънавий қадриятлар билан тирикчилигини тан олиш ҳисобланади”. [1:23-24]

Ушбу инқирознинг натижалари ўсиб бораётган ёшларда кўпроқ ўз ифодасини топади. Оила ва мактаб ҳаётидан, ижтимоий маънавий тарбиянинг ижтимоий, аҳамиятли шаклларида ажратилган ёшлар криминал муҳитни тўлдирувчи асосий манбага айланмоқда.

Шу жумладан, талабалар маънавияти, унинг назарий методологик ва методик жабҳалари психолог олимлар томонидан етарлича ўрганилмаганлигини таъкидлаб

ўтиш жоиздир. Бироқ, Н.А. Коваль, Э.Ш. Рахматуллина, Н.В. Марьясова ва С.В. Тимофеевалар талабалар маънавиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борган бўлсаларда, аммо уларнинг ишларида, асосан талабалар касбий йўналганлигининг алоҳида гуруҳлари ва уларнинг маънавиятини баъзи жиҳатларигагина эътибор қаратилган. [2:45-50]

Бугунги куннинг долзарб масаласи эса, шахс маънавий камолотининг асосини психологик воқелик сифатида очиб бериш, унинг ўзига хослигини, турли касбий йўналишдаги талабаларда намоён бўлиш хусусиятларини, маънавиятнинг етакчи компонентлари ва уларнинг тузилмавий ўзаро алоқаси ҳаёт ва фаолиятнинг турли қобикларида амалга оширилишини ўрганишдир.

Талабаликнинг алоҳида ижтимоий-психологик ва ёш категорияси сифатида ажратилиши муаммосини Б.Г. Ананьевнинг психологик мактаби ўрганди.

Б.Г. Ананьевнинг таъкидлашича, талабалик даври инсоннинг ижтимоий имкониятлари ривожланишининг сензетив давридир. Олий таълим инсон психикасига ва унинг шахси ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Таълим жараёнида қулай шароитлар яратилган тақдирда талабаларда психиканинг барча даражаларининг ривожланиши рўй беради. Улар инсон ақлий йўналганлигини белгилайдилар, шахснинг касбий йўналганлигини характерловчи тафаккур кўламини юзага келтирадилар. Олий мактабда муваффақиятли таълим олиш учун умумий интеллектуал ривожланиш даражаси юқори бўлиши, жумладан, идрок, хотира, тафаккур, диққат, мантикий операцияларининг маълум бир турини эгаллаш юқори даражага юқори бўлиши зарур. [8:104]

Шунингдек, Ю.Н. Кулюткин, 1985; В.А. Якунин, 1994 ва бошқаларнинг ишларида кузатишларнинг катта эмпирик материали келтирилган бўлиб, эксперимент натижалари ва бу муаммо бўйича назарий умумлашмалар келтирилган.

Шахснинг интеграл мезони сифатида маънавиятнинг талабаларда намоён бўлиши фарқланувчи хусусиятига эга ҳисобланади. у инсоннинг ҳаёт ва фаолияти жараёнида ривожланади ва шу тарзда ривожланишнинг ижтимоий вазияти ҳамда шахснинг ички дунёси

маънавиятнинг компонентлари ва уни амалга ошириш хусусиятларига таъсир кўрсатади.

Шахснинг маънавий ривожланиши муаммоси Н.А. Бердяев, В.С. Соловьев, Н.О. Лосско, Е.И. Рерих, Н.К. Рерих, В.В. Розановларнинг ишларида кўриб чиқилган. Шахснинг маънавий ривожланишини ўрганган чет эл психологлари А. Маслоу, К. Роджерс, В. Франкл, Э. Фромм, Р. Штейнерларнинг ишлари қимматли маълумотларни беради. [3:70-81]

Ёшлар муҳитида таълим муассасаларида талабаларнинг маънавий шаклланиши кўпгина омиллар билан белгиланиб, уларнинг сирасига кичик доминант гуруҳ, муассаса ўқитувчилари ва таълим жараёнининг таъсирини киритиб ўтиш мумкин. Маънавий қадриятларнинг ривожланиши шахслилик ўсишига, манавий қизиқишларнинг ортишига, ижодни очишга ва муҳим инсоний сифатларни намоён этишга имкон беради. [9:25-34]

Шу сабабли талабаларнинг маънавий камолотида таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларни текшириш мақсадида бир методика қўллаш орқали амалий тадқиқот натижага эришилди.

Ишда қуйидаги Е.Б. Фанталованинг “Турли ҳаётий соҳаларда қадрият ва очиклик ўзаро муносабати даражаси” методикаси: шахснинг қадриятга йўналтирилган тузилмалари ва уларнинг аниқ мисолларда акс этирилиши қаратилган бўлиб, гуруҳдаги ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, ҳаракатчанлигини, қадриятини текшириш мақсадида қўлланилди.

Тадқиқотимизга кўра, 1-жадвал кўрсаткичларини умумий таҳлил қилганда, Ижтимоий гуманитар йўналишига қиравчи Психология мутахассислигида таҳсил олаётган 2 курс талабалари ҳамда Аниқ фанлар йўналишига қиравчи Механика-математика мутахассислигида таҳсил олаётган 4 курс талабаларнинг инсоний қадриятларига асосланган 12 та сифатларининг бир-биридан фарқли ва ўхшашлик томонларини очишга қаратилди ва эмпирик натижалар иккинчи ва тўртинчи курс талабалари орасида турли хил миқдорларга эгаллиги кўрсатилган. Шунга кўра мазкур методика натижаларини таҳлил қилганда қуйидаги умумий кўрсаткичларга асосланди.

1. Фанталова методикасига биноан.

Сиз учун кўрсатилган ўтилган 12 та сифатлардан қайси бири муҳимроқ? деган

саволга талабаларнинг берган жавобининг статистик таҳлили.

Психология таълим йўналиши талабалари кўрсаткичлари

(2 курс) Матриция № 1

2 -жадвал

Шкалалар	Гуруҳ сони	Max	Min	Ўрт.қ	Дисперсия	Станд. отиш	Асимметрия	Эксцесс
1.Фаол,Фаолиятли ҳаёт	30	5	1	2,9	1,3	1,1	4,2	-1,2
2.Саломатлик	30	11	4	8,2	3,9	1,9	1,3	-0,8
3.Қизиқарли иш	30	6	1	3,4	2,3	1,5	1,2	-1,0
4.Табиат ва санъат гўзаллиги	30	10	1	3	5,9	2,4	2,1	2,6
5.Муҳаббат	30	11	1	5,5	5,5	2,3	1,6	0,1
6.Моддий таъминланган ҳаёт	30	8	1	3,2	3,5	1,8	2,2	1,9
7.Яхши ва содиқ дўстларнинг мавжудлиги	30	9	2	6,5	5,3	2,3	1,2	-0,9
8.Ўз-ўзига ишонч	30	10	3	7,4	6,6	2,5	0,7	-1,9
9.Билиш	30	10	5	6,9	2,8	1,6	0,1	-0,5
10.Ҳатти ҳаракатлардаги мустақиллик,озодлик	30	9	1	4,9	5,7	2,3	2,0	0,6
11.Бахтли оилавий ҳаёт	30	11	3	9,1	4,8	2,2	1,8	1,5
12.Ижодкорлик	30	5	1	3,8	2,9	1,7	1,2	-0,6

1-жадвал


Шкалалар	Гуруҳ сони	Max	Min	Ўрт.қ	Дисперсия	Станд. отиш	Асимметрия	Эксцесс
1.Фаол,Фаолиятли ҳаёт	30	6	1	2,6	2,4	1,5	2,9	1,5
2.Саломатлик	30	11	2	8,2	4,3	2,0	2,4	2,1
3.Қизиқарли иш	30	8	2	3,9	2,1	1,4	1,4	-0,6
4.Табиат ва санъат гўзаллиги	30	5	1	2,6	2,0	1,4	1,0	-1,4
5.Муҳаббат	30	11	2	6,5	6,4	2,5	1,1	-1,4
6.Моддий таъминланган ҳаёт	30	9	1	5,1	3,5	1,8	1,5	-0,2
7.Яхши ва содиқ дўстларнинг мавжудлиги	30	11	3	6,2	4,3	2,0	1,5	-0,6
8.Ўз-ўзига ишонч	30	11	3	6,0	4,4	2,1	1,3	-0,7
9.Билиш	30	9	2	5,4	4,6	2,1	1,4	-0,8
10.Ҳатти ҳаракатлардаги мустақиллик,озодлик	30	10	1	4,3	10,0	3,1	1,2	-1,0
11.Бахтли оилавий ҳаёт	30	11	6	9,7	2,4	3,4	1,6	-0,6
12.Ижодкорлик	30	8	1	3,0	5,6	1,5	1,6	0,3

Натижага асосан, кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар шуни кўрсатдики, 1 матрицияга биноан Психологларнинг 12 сифатдан 1чи ва 2 чи сифатлар Асимметрия ва Эксцессда мусбат (2.9;2.4 1.5;2.1) кўрсаткичлар орқали устунлигини кўрсатди. Улар учун Фаол, фаолий ҳаёт ҳамда Саломатлик асосий роль ўйнайди. Асимметрия ва Эксцессда манфий кўрсаткич 4 ва 5 сифатлар (-1.4) билан Табиат санъат гўзаллиги ва Муҳаббат талаба психологлар учун муҳим саналмас экан. Бунда нормал тақсимланиш қонуни бор. Методика тўғри ўтказилган.

Механик- математика таълим йўналиши талабалари кўрсаткичлари

(4 курс)Матриция №1

1 матрицияга биноан Математика йўналишидаги талабаларнинг 12 сифатдан 4чи ва 6 чи сифатлар Асимметрия ва Эксцессда мусбат (2,1;2,6) 2,2;1,9) кўрсаткичлар орқали устунлигини кўрсатди. Улар учун Табиат ва санъат гўзаллиги ҳамда Моддий таъминланган ҳаёт асосий роль ўйнайди. Асимметрия ва Эксцессда манфий кўрсаткич 3 ва 8 сифатлар (-1.0;1,9) билан Қизиқарли иш ва ўз ўзига ишонч талаба психологлар учун муҳим саналмас экан.. Бунда нормал тақсимланиш қонуни бор. Методика тўғри ўтказилган.



1-Расм. Фанталованинг “Турли ҳаётий соҳаларда қадрият ва очиклик ўзаро муносабати даражаси” методикасининг биринчи матриция бўйича олинган натижалар.

Диаграмма кўринишида тасвирланган расмда, Олий ўқув юртида таҳсил олаётган Психология таълим йўналиши 2 курс талабалари ва Механика-математика таълим йўналишида таҳсил олаётган 4 курс талабалари ўртасидаги 1 матрицияга асосан 12 сифатлардан қайси бири улар учун муҳимлигини аниқлашга қаратилган ҳамда бир биридан фарқлилиги кўрсатилган.

Демак, иккинчи сифат саломатлик 8,2 % ташкил қилди ҳамда иккала текширилувчи гуруҳларда бир хил натижани берди.

5- шкаладаги сифат Муҳаббат ҳисобланиб, психология талабалари 6,5% ва математика талабалари 5,5% натижани кўрсатса-да, иккила гуруҳ талабаларида ўрта арифметик қийматиға мос келади.

Сиз учун кўрсатилган ўтилган 12 та сифатлардан қайси бирига етишиш осонроқ? деган саволга талабаларнинг берган жавобининг статистик таҳлили.

Психология таълим йўналиши талабалари кўрсаткичлари (2 курс) Матриция№ 2

3-жадвал

Шкаллалар	Гуруҳ сони	Max	Min	Ўрт.	Дисперсия	Станд. очиш	Асимметрия	Экссесс
1.Фаол,Фаолиятли ҳаёт	30	11	1	5,3	5,8	2,4	1,3	-0,6
2.Саломатлик	30	10	1	4,3	4,3	2,0	2	2,4
3.Қизиқарли иш	30	11	2	6,2	6,2	2,4	1,1	-1,0
4.Табиат ва санъат гўзаллиги	30	10	2	5,5	4,4	2,1	1,3	-0,6
5.Муҳаббат	30	10	1	4,6	6,5	2,5	1,2	-1,1
6.Моддий таъминланган ҳаёт	30	10	1	4,3	4,3	2,0	1,8	1,2
7.Яхши ва содиқ дўстларнинг мавжудлиги	30	9	1	4,2	5,3	2,3	1,3	-0,8
8.Ўз-ўзига ишонч	30	11	4	6,7	3,6	1,9	1,2	-1,1
9.Билиш	30	11	2	5,4	7	2,6	1,4	-0,6
10.Ҳатти ҳаракатлардаги мустақиллик, о-зодлик	30	10	3	6,4	2,2	1,4	4,9	7,4
11.Бахтли оилавий ҳаёт	30	11	1	6,4	11,7	3,4	1,1	-1,5
12.Ижодкорлик	30	9	1	4,7	3,1	1,7	1,2	6

Математик-статистик кўрсаткичларга асосан, 2 матрицияга биноан Психологларнинг 12 сифатдан 2чи ва 10 чи сифатлар Асимметрия ва Экссессда мусбат (2.0; 2.4 4.9;7.4) кўрсаткичлар орқали устунлигини кўрсатди. Улар учун Саломатлик ҳамда Ҳатти ҳаракатларидаги


мустақил озодлик асосий роль ўйнайди. Асимметрия ва Экссессда манфий кўрсаткич 5 ва 8 сифатлар (-1.1) билан Қизиқарли иш ва яқин дўстлар талаба психологлар учун муҳим саналмас экан. Бунда нормал тақсимланиш қонуни бор. Методика тўғри ўтказилган.

Механик- математика таълим йўналиши талабалари кўрсаткичлари (4 курс)Матриция №2

4-жадвал

№ Шкаллалар	Гуруҳ сони	Max	Min	Ўрт.	Дисперсия	Станд. очиш	Асимметрия	Экссесс
1.Фаол,Фаолиятли ҳаёт	30	10	2	5,5	5,1	2,2	0,3	-1,6
2.Саломатлик	30	10	1	4,3	5,5	2,3	1,7	1,0
3.Қизиқарли иш	30	11	4	7,2	5,1	2,2	1,2	-1,2
4.Табиат ва санъат гўзаллиги	30	11	1	4,8	4,7	2,1	1,7	0,2
5.Муҳаббат	30	10	1	4,7	5,4	2,3	0,1	-2,8
6.Моддий таъминланган ҳаёт	30	8	1	3,7	4,4	2,1	0,2	-0,9
7.Яхши ва содиқ дўстларнинг мавжудлиги	30	10	1	3,3	2,7	1,6	0,4	-2,3
8.Ўз-ўзига ишонч	30	11	1	7,5	6	2,4	0,05	-2,9
9.Билиш	30	10	2	6,4	4,6	2,1	0,05	-2,9
10.Ҳатти ҳаракатлардаги мустақиллик, озодлик	30	11	1	6,6	7,5	2,7	0,1	-2,9
11.Бахтли оилавий ҳаёт	30	11	1	4,1	9,4	3	2,9	-2,2
12.Ижодкорлик	30	11	2	6	8,4	2,9	1,2	2,9

Иккинчи матрицияга биноан Математика йўналишидаги талабаларнинг ўн иккинчи сифатдан ўн биринчи сифатлар Асимметрия ва Экссессда мусбат (2,9) (-2,2) кўрсаткичлар орқали устунлигини кўрсатди. Улар учун Бахтли оилавий ҳаёт асосий роль ўйнайди. Асимметрия ва Экссессда манфий кўрсаткич 8,9,10 сифатлар (-2,9)натижалардан иборат. Унда ўз ўзига ишонч, билиш, ҳатти-ҳаракатдаги мустақиллик эса талаба математиклар учун муҳим саналмас экан. Бунда нормал тақсимланиш қонуни бор. Методика тўғри ўтказилган.



2-Расм. Фанталованинг “Турли ҳаётӣ соҳаларда кадрият ва очиклик ўзаро муносабати даражаси” методикасининг биринчи матриция бўйича олинган натижалар.

Диаграмма кўринишида тасвирланган расмда, Олий ўқув юртида таҳсил олаётган Психология таълим йўналиши 2 курс талабалари ва Механика-математика таълим йўналишида таҳсил олаётган 4 курс талабалари ўртасидаги 2 матрицияга асосан 12 сифатлардан қайси бири улар учун муҳимлигини аниқлашга қаратилган ҳамда бир биридан фарқлиги кўрсатилган. Тасвирга биноат биринчи шкаладаги сифар Фаол, фаолий ҳаёт ҳисобланиб, психология талабалари 5,3% ва математика талабалари 5,5% натижани кўрсатсада, иккала гуруҳ талабаларида ўрта арифметик қийматига мос келади. Шу жумладан саккизинчи сифатдаги ўз ўзига ишонч шкаллasi бўйича бошқа сифатлардан фарқли ўларок юқори кўрсаткични берди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир талабанинг маънавий камолотига, шахслилик даражаси ва гуруҳдаги ўрни, мавқеи, унинг шу жамоадаги шахслараро муносабатларига бевосита боғлиқдир.

Талабаларнинг маънавий камолотини ривожлантириш мақсадида уларга таъсир қилувчи омилларнинг аҳамиятли жиҳатига эътибор қаратиш лозим.

Маънавий камолот шахснинг юксалишига, жамиятнинг гуллаб яшнашига замин яратади. Талабаларни етук кадр қилиб чиқариш, унинг маънавий салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ.

Талабаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, психик- маънавий омилларни асослаш каби улкан вазифалар психологларга юклатилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулина, О.А. Личность студента в процессе профессиональной подготовки / О.А. Абдулина // Высшее образование в России. - 1993. - №3. - С. 23-24.
2. Казанцева, Т.А., Олейник, Ю.Н. Профессиональное самоопределение студентов вуза / Т.А. Казанцева, Ю.Н. Олейник // Психологический журнал. - 2002. - №6. - С. 45-50.
3. Петрова, Н.И. Самоактуализация и социальная адаптация студентов/ Н.И. Петрова // Психологический журнал. - М., 2003. - №3. - С. 70-81.
4. Расулов А. Умумий психодиагностика ўқув кўлланма Т-2020, 52-54 б
5. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳоликова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
6. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ДТПУ, 2008. – 38-42-б.
7. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси Т.: «Ўқитувчи», 2012, -108 б.
8. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. - Т.: «Ўқитувчи», 1997, -104 б.
9. Ғозиев Э. Таълим муассасаларида психологиянинг вазифалари. // «Халқ таълими» журнали, 1995, №12. 25-34-б.
10. Ғозиев Э., Турсунов Л., Икромов Ж. XXI аср ва шахс камолоти. // «Халқ таълими» журнали, 1996, №5. 3-8-б.